А.А. Собиров,
и.ф.н., доц. ТДИУ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНЕРАЛ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИ СИФАТИДА

В данной статье проанализирована роль и значимость инвестиций при структурных изменениях и модернизации экономики в условиях рынка; дана оценка эффективности привлечения иностранных инвестиций, а также определены и обоснованы необходимости совершенствования механизма организационно-экономического регулирования инвестиционных процессов.

This article analyzes the role and the importance of investment in structural change and modernization of the economy in conditions of the market; evaluate the effectiveness of attracting foreign investment as well as identified and justified by need to improve the mechanism of organizational and economic regulation of investment processes.

Калитли сўзлар: *инвестиция жозибадорлиги, ресурслар, маҳаллий хомашё, маҳаллийлаштириш, чет эл инвестициялари, ишлаб чиқариш салоҳияти.*

Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати маҳаллий хомашё ва ресурсларни қайта ишлаб чиқаришга асосланган ва унда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган соҳа ва ишлаб чиқаришлар белгиланган. Ушбу соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш устувордир, булар: саноатни ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш; минерал-хомашё ресурсларини қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш бўйича экологик тоза ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шу ҳисобда нефтъ ва газни қазиб олиш ва қайта ишлаш; замонавий ахборот ва телекоммуникация тизимларини, илм талаб қилувчи юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш; ресурс ва энергиянинг тежамкор ускуналарини ишлаб чиқариш; дори воситалари, медицина техникаси ва ускуналарини ишлаб чиқариш; туризм соҳасини ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш; алоқа хизматларини ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Минерал ресурсларни топиш ва қазиб олиш жуда катта капитал маблағларни талаб этади ҳамда йирик хатарларга дуч келишига тайёр бўлган чет эл инвесторларни жалб этишни тақозо этади. Фойдали қазилмалар салоҳиятига эга дунёнинг барча мамлакатлари жаҳон инвестиция маблағларининг чегараланган ҳажмига эга бўлиш рақобатчилигида иштирок этади. Ушбу маблағларни олиш учун рақобат қуйидагидан иборат: чет эл инвесторлари инвестиция муҳити, айниқса ҳуқуқий ва солиқ режими, барқарор бўлган ва қўйилган маблағларни қоплаш учун етарли бўлган фойда меъёрини таъминловчи, акциядорларга фойда келтирадиган мамлакатларга инвестиция

қилишни афзал кўради.

Ушбу нуқтаи назардан Ўзбекистон ҳуқуқий ва солиқ режимини яратган, бой минералхом ашё ресурсларига ва юқори фойда олиш имкониятини берувчи ноёб металларнинг йирик захираларига эга мамлакатлар қаторига киради.

Фойдали қазилмаларни қидиришнинг ҳозирги замондаги даражаси қимматбаҳо, рангли ва ноёб металлар, органик ёқилғиларнинг барча турлари – нефть, табиий газ ва газ кондесати, кўмир, ёнилғи сланец, уран, қурилиш материаллари учун кўп хил хомашёни қазиб олиш билан боғлиқ.

Уларнинг турлари хилма хиллиги чет эл инвесторлари учун Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестицияларга оид жалб этувчанлигининг омилларидан биридир (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг минерал-хомашё ресурслари таркиби

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон олтин ва кумуш йирик ресурсларига эга мамлакатлардан биридир. Олтин республиканинг муҳим бойликларидан бири бўлиб, унинг захиралари дунёнинг энг йирик олтин захиралари ҳудудларидан бири Марказий-Қизилқумда жойлашган. Бу ерда Мурунтау олтин кони мавжуд. Қўлланилаётган технология “тўртта тўққиз” тозалигидаги олтин олиш имкониятини беради. Узоқ йиллардан буён Мурунтауда завод ишлаб чиқариши балансидан ташқари бўлган олтинга эга минераллаштирилган қолдиқларни қайта ишлашга чет эл инвестори ва янги технология жалб қилинган. Шуни таъкидлаш керакки, олтин захиралари бўйича республикамиз дунёда 4-ўринни, уни қазиб олиш бўйича 9 ўринни эгаллайди.

Олтин конлари Тошкент, Жиззах, Наманган (Маржонбулоқ, Зармитон, Чодоқ ва бошқалар) вилоятларида ҳам мавжуд. Топилган олтин конларининг 20 фоизи қазиб олинган. Буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва ишлаб чиқаришни ошириш салоҳияти борлиги тўғрисида гап юритиш

имконини беради.

Олтин қазиб олиш соҳаси 5та олтин қазиб олиш конидан, 3та олтин ажратиб олиш фабрикаси ва битта мис ишлаб чиқариши учун флюс хомашёсини ишлаб чиқарувчи майдалаш-шихталаш қурилмасидан иборат. Юқорида айтиб ўтилган конлардан ташқари олтин қазиб олувчи корхоналар Қочбулоқ, Қизилолмасой, Пирмироб, Гўзаксой, Қулолдидаги конлардан фойдаланишади.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш билан бир қаторда уран қазиб олинади ва у учун йирик минерал-хомашё базаси ташкил этилган. Республикамиз уран базасининг асоси Қизилқумдаги захиралардан иборат. Ураннинг мавжуд захиралари уни бир неча ўн йил қазиб олиш имконини беради.

Ўзбекистонда рангли металларнинг топилган конлари мавжуд. Фаолият юритаётган карьерлар мис ва қўшимча металлар ишлаб чиқарилишини яна 40 йилга таъминлайди. Рудани қайта ишлашни асосан республиканинг энг йирик саноат корхоналаридан бири “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” очиқ акциядорлик жамияти амалга оширади.

Бундан ташқари, мис, молибден, олтин, рений, теллур, селен ва олтин гугурт конлари мавжуд, ушбу конларга қазиб олиш таннархи ва фойдали қазилмалар олиниши даражаси бўйича МДҲ давлатларида тенги йўқ. Қўрғошин-цинк конлари асосан Жиззах вилоятининг Учқулоқ ва Сурхондарё вилоятининг Хондиза конларида жойлашган.

Ўзбекистон рений захираларига эга, у Олмалиқ мис конларидан қазиб олинади. Молибден концентратида рений мавжудлиги бўйича уларга бутун дунёда тенг келадигани йўқ. Саноатда ундан авиация ва космик техника учун иссиққа чидамли қоришмаларни, электр асбоблар, нефтни кренинг қилиш учун катализаторлар ишлаб чиқаришда фойдаланади. Ноёб ва тарқоқ металларнинг ажойиблиги, улардан фойдаланиш соҳаларининг кенглиги ҳамда янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилиши чет эл инвесторларини жалб қилиш ва қўшма корхоналар тузиш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бугунги кунда Қизилқум ҳудудидаги Саутбой вольфрам конидан фойдаланиш мамлакатимиз корхоналарини хомашё билан таъминлайди ва маҳсулот экспортини оширишга имкон беради.

Республикада турли рангдаги ва табиат мўжизасига эга мармар, гранит, габбро конлари бор. Бундай қудратли хомашёга эга Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ўртасида тошга ишлов бериш бўйича етакчидир. Безак тошларининг асосий захиралари Ғозғон, Нурота, Зарбанд конларида мавжуд.

Республика фосфорит конларига ҳам бой, улар асосан Жарой-Сирдарё, Қоракатин ва Шимолий Еттитоғ конларидадир, аммо жуда кўп топилган конлар ҳозирги кунда ишлатилмаяпти. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фосфор, азот-фосфор ўғитларини – аммофос ва аммонлаштирилган суперфосфатни – ишлаб чиқарувчи йирик заводлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда калий тузларининг ҳам йирик конлари мавжуд, улар тахминлар бўйича 100 йилга етади. Улар асосан Қашқадарё вилоятининг Тепағатон ва Сурхондарё вилоятининг Ҳожаэкон конларидадир. Тузларни

мажмуали тарзда қайта ишлаш натижасида бромли темир, магнезит, гипс ва бошқа материаллар олиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон катта инвестиция салоҳиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Мустақиллик йилларида қуйидаги янги тармоқлар ривожлантирилди: автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, биотехнологиялар, ахборот технологиялари, фармацевтика саноати. Қайта ишлаш соҳаси корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш учун яқин уч йил ичида 4 миллиард АҚШ долларига яқин инвестициялар жалб қилиниши зарур.

Саноат соҳасининг инвестицияга оид жалб этувчанлиги ишлаб чиқариш омилларига харажатларнинг нисбатан пастлиги (электр энергияси, табиий газ, ишчи кучи), ички бозор юқори сиғимлилиги, МДҲ мамлакатлари бозорларига бож тўламасдан чиқиш мумкинлигига боғлиқ[4].

Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб маҳаллий хомашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга ошириб келинмоқда.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари самарадорлигини баҳолашда импорт ўрнини босиш самараси кўрсаткичи муҳим ўрин тутади.

Импорт ўрнини босиш самараси маҳаллийлаштириш жараёнини амалга ошириш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар натижасида тежалган импорт маҳсулотлари қиймати орқали намоён бўлади.

Агар мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда олдинги йилга нисбатан 1,09 баробар ўсган бўлса, сўнгги 4 йилда икки баробар ошди. Натижада импорт ўрнини босиш самарадорлиги 5,6 млрд. АҚШ долл.ини ташкил этди [2].

Шу билан бирга Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир дастурий чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда, улар натижасида 2000-2013 йилларда меҳнат унумдорлиги 2,1 марта ошиб, иқтисодиётнинг энергия сарфи 3,2 мартага қисқарди.[6]



2-расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари натижалари [6].

Ўзбекистон Республикасида олиб борилган оқилона макроиқтисодий сиёсат натижасида юзага келган қулай инвестиция муҳити яхшиланди. жумладан сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги, солиқ юкининг пасайтирилиши бозор инфратузилмасининг ривожлантирилиши, банк тизимининг мустаҳкамланиши ва банк фоиз ставкаларининг пасайтирилиши, инвесторларга кенг имтиёз ва кафолатлар тизимининг яратилганлиги мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ўсишига олиб келди.

2015 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини ва иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш ҳамда истеъмол нархлари индексининг 5,5-6,5 фоиз даражада прогноз қилинганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб қайта молиялаш ставкаси амалдаги йиллик ҳисобда 10 фоиздан 9 фоизга туширилди [2].

Инвестицион сиёсат таркибий ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш учун шароитлар яратишга хизмат қилади. Бунга устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларнинг йиллик юқори ўсиш суратларини таъминлаш ҳисобига эришилмоқда. Инвестицион жараёнларни рағбатлантириш бўйича турли имтиёзлар ва енгилликларни белгилаш билан боғлиқ амалга оширган чора-тадбирлар инвестициялар умумий структурасида корхоналарнинг ўз маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ва кредитлар улушини оширишга хизмат қилмоқда [4].

Бизнес юритиш учун қулай муҳит, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар кенг тизими, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш яхлит тизими мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини оширишга ёрдам берди. 2014 йилда мамлакат иқтисодиётига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбатан 23,3 фоизни ташкил этди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 21,2 фоизидан кўпини 3,1 миллиард АҚШ доллари умумий қийматдаги хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил қилди, унинг 75 фоизидан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келади [2].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши қатор йиллар мобайнида ўртача 20-25 фоиз даражасида сақланиб келмоқда. Бу иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига йўналтирилаётган инвестицияларнинг юқори аҳамиятини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари тармоқларига 2014 йилда жами 33715,3 млрд. сўм инвестициялар киритилган. Бу кўрсаткич ўтган 2010 йилга таққосланганда 18806,2 млрд. сўмга ёки 2,2 мартага кўп ҳисобланади[6].

Айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар таркиби ўтган йилларга нисбатан ўзгариб, энди инвестицияларнинг асосий қисми нефть-газ тармоғига (бутун инвестициялар-нинг 60,1 фоизи), телекоммуникация соҳасига (11 фоиз) йўналтирилмоқда[5]. Бу иқтисодиётимизда кўплаб саноат корхоналари ва халқ истеъмоли моллари

ишлаб чиқарувчи қувватлар, янги бинолар пайдо бўлаётганининг асосий белгисидир. Ана шулар туфайли иқтисодиёт тармоқларида, айниқса, саноат ишлаб чиқаришида ижобий таркибий ўзгаришлар юз берди.

жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига киритилган инвестициялар таркиби, (млрд. сўм) [5]

Тармоқлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2014 й.
1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*
I. Ишлаб чиқариш тармоқлари	2619,8	2657,7	7329,4	9491,2	11027,6	22421,0
жумладан:						
Ёқилғи-энергетика мажмуаси	562,7	750,7	1509,9	1759,1	1728,4	7271,3
Металлургия	202,9	203,3	553,9	517,1	782,0	1107,2
Кимё саноати	84,9	40,4	210,9	232,4	199,4	535,0
Машинасозлик	48,3	62,0	243,9	335,7	473,5	660,0
Енгил ва маҳаллий саноат	134,8	99,8	309,9	170,6	427,0	765,4
Озиқ-овқат саноати	80,9	77,7	253,8	188,1	262,5	690,8
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	175,8	124,9	258,0	385,6	473,7	1435,9
Транспорт ва алоқа	792,7	950,0	2398,5	3935,5	4502,4	4817,6
Савдо ва умумий овқатланиш	66,8	55,1	267,6	314,7	714,8	758,1
Қурилиш материаллари саноати ва қурилиш саноати	99,4	98,9	191,1	564,4	646,0	658,2
Геология	–	–	860,0	855,3	419,6	580,2
Бошқа тармоқлар	303,1	163,2	139,8	88,6	204,3	3141,3
II. Ноишлаб чиқариш тармоқлари	1218,5	1309,6	2226,5	3040,7	4381,5	11294,3
жумладан:						
Уй-жой қурилиши	442,2	473,2	879,1	1186,9	2260,2	7147,3
Таълим, илм-фан ва маданият	423,1	610,7	831,4	1012,4	514,0	1019,2
Соғлиқни сақлаш	92,5	50,9	162,5	158,3	322,3	918,8
Коммунал хўжалик	108,3	86,8	124,2	232,6	298,7	802,8
Бошқа объектлар	152,4	88,0	277,1	425,7	986,3	1406,2
Жами	3838,3	3967,3	9555,9	12531,9	15409,1	33715,3

Ушбу таққослашлар таҳлил қилинаётган давр мобайнида иқтисодиёт тармоқларига киритилган капитал қўйилмаларнинг ҳажми юқори суръатларда ортиб кетганлигини кўрсатади. Хусусан, 2014 йилда ёнилғи-энергетика, металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноати, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги тармоқларига киритилган инвестициялар ҳажми жами ишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 45 фоиздан кўпроғини ташкил этган. Энг кўп инвестициялар ўтган йилларда ёнилғи–энергетика, транспорт ва алоқа, металлургия саноати корхоналарини модернизация қилиш

ва янгилашга йўналтирилган. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, 2008-2014 йиллар мобайнида уй-жой қурилишига киритилган инвестициялар жами ёнилғи-энергетика комплексига киритилган инвестициялар ҳажмига деярли тенг ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг минерал-хомашё ресурслари ва ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда иқтисодиёти очиқлиги инвесторларни, шу ҳисобда чет эл инвесторларини, жалб қилишга қулай муҳит яратади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган марралар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, жаҳон бозоридаги реал ва юзага келиши прогнозлаштирилаётган вазиятлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи қатор дастурлар амалга оширилмоқда. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури”, “Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилма-сини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури”, “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури”, “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш дастури”, “2015-2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури”, “Корпоратив бошқарув тизимида тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари дастури”, “2015-2019 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури” [10]кабилар шулар жумласидандир.

Ушбу дастурларни амалга ошириш иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишни, саноатни янада ривожлантириш ва унинг рақобатдошлигини оширишни таъминлайди, республикада иқтисодиётни изчил ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим асоси сифатида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таҳлиллар кўрсатганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда вужудга келган иқтисодий шароит чет эл инвестицияларини жалб қилиш шароитларини ва рағбатлантириш механизмини сезиларли даражада яхшилади. Аммо, ушбу жараённинг барча жиҳатлари охиригача ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун бозор муносабатларига мос бўлган ва ўз ичига инвестиция қилишнинг хусусий ва давлат шаклларини қамраб олган ташкилий-иқтисодий механизмни янада ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунда қуйидагилар талаб этилади: инвестиция фаолиятининг турли субъектлари ўртасидаги алоқаларни мақбуллаштириш, инвестиция жараёнини алоҳида битта ташкилот, соҳа даражасида ва миллий итисодиёт даражасида ҳам бошқарадиган тегишли қонунчилик-меъёрий базани ишлаб чиқиш. Ушбу масалалар асосий бўлиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари билан ҳам, кичик тадбиркорликни ривожланти-риш масалалари билан ҳам ўзаро боғланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган «Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» номли маърузаси. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. //Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги инвестиция дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2008 йил 2 октябрь, ПҚ–969-сон.
4. “Формы привлечения иностранных инвесторов в Республику Узбекистан”. “Transformation of regional economies: Sustainable development and competitiveness”V-International Scientific Practical Conference. Riga.June 5-6, 2015.стр. 139,141.
5. ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари
8. Dd.gov.uz
9. www.gkk.uz
10. www.lex.uz